

АЛИШЕР НАВОИЙ КЕМАСИ

Азалий даврада чарх уради ер,
Муштарий азалдек чакнаб турипти...
Беш аср сўнгида буюк Алишер
Баҳри муҳит аро кезиб юрипти.

Тирикликда чархдан топмаган омон,
Бошига ғам гардин ёғдирган фалак —
Даҳр аро танҳою зору саргардон
Қалқиб бормоқдадур беором юрак.

Аччиқ тўлқинларга кўкрак урадир
Умрида ҳаловат тополмаган жон,
Жаҳон уммонида кезиб юрадир
Долғали ҳам сокин жаҳоний уммон.

Улуғвор бастида ўйчан бир шукуҳ,
Килкидан тўқилган ғазалдек боқий,
Беш аср сўнгида кема бўлган руҳ,
Беш қитъа оралаб кезар Навоий...

Ҳаяжон кўнглимда, ҳайрат ақлимда,
Олис қирғоқдаман — бу нечук тимсол!
Ярим минг йил оша ўзга иқлимда
Бундоқ учрашувни ким этмиш хаёл.

Азалий даврида чарх уради Ер,
Муштарий азалдан чакнаб турипти.
Маҳшаргача уйғоқ буюк Алишер
Жаҳон уммонида кезиб юрипти.

Зимин отли бир Сайёрани
Икки бўлак қилиб сўйдилар.
Ғарб дедилар битта порани,
Бир порани Шарқ деб қўйдилар.

Тақдир яна минг парча этди.
Эл-элатлар ва динлар аро —
Дона-дона сочилиб кетди
Анор каби кесилган дунё...